

## БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10071817>

**Янгибоев Ҳ.А.**

*Фискал институт мустақил тадқиқотчиси*

### **Аннотация**

Ушбу мақолада бевосита солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар ва солиқ тортишининг методик асосларини жорий этилиши, иқтисодий моҳияти, усуллари, тартиби ва қўллашдаги ўзига хос хусусиятлари, бевосита солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар ва солиқ тортиш методологиясини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

### **Калит сўзлар**

*бевосита солиқлар, бухгалтерия ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш, усул, метод, методология, индукция, дедуция.*

### **Аннотация**

*В статье сделаны выводы и предложения по внедрению методических основ учета прямых налогов и налогов и налогообложения, их экономической сущности, методов, порядка и особенностей их применения, учета прямых налогов и совершенствования методики расчета. были разработаны налоги и налогообложение.*

### **Ключевые слова**

*прямые налоги, бухгалтерский учет, налоги и налогообложение, метод, метод, методология, индукция, дедуция.*

### **Annotation**

*In this article, conclusions and suggestions on the introduction of the methodical foundations of accounting of direct taxes and taxes and taxation, their economic nature, methods, procedures and specific features in their application, the accounting of direct taxes and the improvement of the methodology of taxes and taxation have been developed..*

### **Keywords**

*direct taxes, accounting, taxes and taxation, method, method, methodology, induction, deduction.*

### **1.Кириш.**

Инсон фаолиятининг ҳар қандай шакли, хусусан илмий-тадқиқот фаолияти ҳам бир қанча омилларга боғлиқ. Шунинг учун унинг якуний натижаси нафақат ким томонидан амалга оширилиши (субъекти) ёки нимага

йўналтирилганлиги (объекти)га, балки ушбу жараённинг қандай амалга оширилиши, яъни қандай усуллар ва методлар қўлланилишига ҳам боғлиқ.

«Мақсадга етишишда муайян тўсиқни енгиш учун қўлланиладиган тадбир ёки чорани усул дейилади». Шунингдек, «мақсадга етишишда қўлланиладиган усуллар тизимини услуб (йўл) дейилади»<sup>16</sup>

Усул бу – асосий қоидалар қабул қилинган тартиб ҳисобланиб, бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли ва ҳаракат тарзи ҳамда бирор иш, машғулотга хос бўлган ундан фойдаланивчи асосий хатти-ҳаракатдир.

«Метод (юн. *methodos* – билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) – воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл – йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули. Методнинг келиб чиқиш тарихи кишиларнинг амалий фаолиятига бориб тақалади. Бирор ишни бажариш методини эгаллаган киши шу ишни бошқаларга нисбатан осон, тез ва соз бажара олади.

## 2.Адабиётлар шарҳи.


“Методология (*метод* ва *...логия* сўзларидан) – тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш тамойиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади. Методология методларга ва умуман воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади”.<sup>17</sup>

Методология бир томондан, билиш методларининг тизими ҳақидаги бир бутун таълимот (фан) бўлса, бошқа томондан, муайян фан соҳасида (иқтисодиёт, техника, фалсафа, тиббиёт ва бошқалар.) қўлланиладиган тадқиқот методларининг тизими ҳамдир. Ушбу фикрнинг биринчи қисмини янада кенгрок: Методология – фан назариясини яратишда қўлланиладиган тафаккур қоидалари ҳақидаги таълимот деб ҳам таърифлашимиз мумкин.

Методологиянинг ўзига хос белгилари қуйидаги 1-расмда келтирилган.

<sup>16</sup> Зиёмухаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. –Тошкент: «TURON-IQBOL» нашриёти, 2006 й. – Б.110.

<sup>17</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.614.



### 1-расм. Методологиянинг ўзига хос белгилари<sup>18</sup>.

Шуни айтиш мумкинки, метод маълум назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шarti ҳисобланади, яъни назариянинг фундаменталлигини асослайди. Тадқиқот ишларида методлар қўлланилиши натижасида мазмуни кенгайиб боради, билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, татбиқ этилиши билан методиканинг вазифалари ҳам ўзгаради. Шу боис, бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар ва солиққа тортиш методи, методикаси ва методологиясини ўрганиш ва заруратини асослаш нуқтаи назаридан тадқиқот олиб борилди.

Аввало, метод, методика ва методология тушунчаларини фарқлашимиз керак. Чунки тадқиқот олиб борилаётганда метод, методика ва методология тушунчалари ўртасидаги фарқни англаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Хорижий ва мамлакатимиз олимларининг олиб борган тадқиқотлари ва изланишлари асосида ўрганишлар олиб борилди ва тадқиқотимизда шакланган фикр-мулоҳазаларни бирма-бир келтириб ўтамыз.

“Метод - бу ҳодиса ёки жараённи назарий ёки экспериментал ўрганиш усули. Метод фаннинг асосий вазифасини ҳал қилиш воситаси - воқеликнинг объектив қонунларини очишдир. Бу таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция,

<sup>18</sup> Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

назарий ва экспериментал тадқиқотларни таққослаш зарурияти ва қўлланилиш жойини белгилайди. Бу тадқиқотчининг фикрлаш воситаси”<sup>19</sup>.

“Метод-грекча “methods” сўзидан олинган бўлиб, назария, таълимот ва амалиётни ўрганишдаги ёндашув йўллари дир. Кенг маънода метод табиат ва жамиятдаги жараёнлар, предметлар ҳамда воқеяликларни тадқиқ этишнинг ўзаро боғланган ялпи усуллари, тамойиллари, шунингдек, ҳақиқатни билишнинг воситалари, услублари ва йўллари тушунилади”<sup>20</sup>.

Методнинг асосий вазифаси ҳар қандай методи маълум назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чуқур мазмун ва моҳиятга эгаллиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг кўлами ҳам ўзгаради.

Биринчидан, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламастик.

Иккинчидан, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси (методологик эйфория), деб тушуниш нотўғри дир. Демак, юқоридаги фанга доир методлардан фойдаланиб, бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар ва солиққа тортишда тадқиқот олиб борилиш учун ҳеч қандай монелик бўлмайди. Муҳими бевосита солиқларни ўрганишда керак восита ва усулларни тўғри танлай олиниши дир.

Бевосита солиқларни солиқ турларининг бир қисми сифатида ўрганар эканмиз, унинг методларини ҳам бевосита солиқларда қўлланиши илмий жиҳатдан тўғри ҳисобланади, сабаби бошқа солиқ турларида ҳам бевосита солиқларда ҳам барча фанлар сингари махсус метод ва воситаларни қўллаш орқали хулоса олинади ва натижалар шакллантирилади. Бевосита солиқларнинг методлари сифатида барча солиқ турларининг анъанавий ва математик методларидан фойдаланишимиз мумкин. Масалан, анализ, синтез, дедукция, индукция усуллари ва ҳ.о.

Дедукция методи - аналитик, мавҳум ёки олдинги усул деб ҳам номланади. Дедуктив метод умумий ҳақиқатлардан хулоса чиқаришни ўз ичига олади, озгина умумий тамойилларни олади ва уларни хулоса қилишга амал қилади. Индукция методи – “Иқтисодчиларнинг тарихий мактаби”

<sup>19</sup> Пономарев, А.Б. Методология научных исследований: учеб. пособие / А.Б. Пономарев, Э.А. Пиккулева. – Пермь: Изд-во Перм. нац. исслед. политехн. ун-та, 2014. – 186 с.

<sup>20</sup> М.Қ.Пардаев, Н.Ф.Ишонкулов, А.Т.Иброхимов, К.М.Мисиров, У.А.Нурмоновлар. Иқтисодий таҳлил назарияси, Сано-стандарт, Т.: 2014. 81 б. 336 бет

томонидан эмпирик метод деб ҳам аталадиган индуктив усул қабул қилинган бўлиб, у муайян фактлардан умумий принципгача фикр юритиш жараёнини ўз ичига олади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда метод - бу бирон бир режалаштирилган ишни ўзлаштиришга эришиш усули бўлиб, яъни мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиш учун қўлланиладиган билимлар мажмуаси ёки ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шаклдаги йўли деб ҳисоблаймиз.

А.Б.Пономарев методикага алоҳида тўхталиб, қуйидагича изоҳлайди: “Методика - бу янги маълумотларни очиш ёки мавзунини яхшироқ англаб етиш, таҳлил қилиш учун маълумотлар ёки далилларни йиғишда ишлатиладиган стратегия, жараёнлар ёки усуллар”<sup>21</sup>.

М.Қ.Пардаевнинг фикрича: “Методика – аналитик тадқиқотни янада мақсадга мувофиқ бажарилишининг усуллари ва қоидалари мажмуидир”<sup>22</sup>.

Ф.А.Акрамов эса қуйидагича таъриф бериб ўтган: “Методика – бу тадқиқотни, ишларни амалга оширишда, мақсадга эришишда қўлланиладиган методлар, усуллар, қоидалар, воситалар мажмуасидир”<sup>23</sup>.

Хориж ҳамда юртимиз иқтисодчи олимлар методика масаласида турлича ёндашув ва таърифлар акс эттирилсада, мазмунан усуллар воситасида бажариладиган мажмуа деб қаралмоқда. Энг муҳими, методика ҳар қандай билишнинг воситасини англаш учун хизмат қилувчи усулларнинг мажмуи сифатида эътироф этилади.

Методика - бу бирор бир режалаштирилган ишни бажариш, амалга ошириш, охирига етказиш ёки мақсадга эришиш усулларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Босқичма-босқич асосида метод ва методикадан сўнгра методологияни изоҳлайдиган бўлсак, яна бир бора бу бўйича амалга оширилган тадқиқотларга мурожаат қилишимиз уни батафсил англашга хизмат қилади.

К.Хеленнинг қарашларида “методология - бу “тадқиқот учун контекстли асос”, қарашлар, эътиқод ва кадриятларга асосланган изчил ва мантиқий схема, тадқиқотчилар (ёки бошқа фойдаланувчилар) танлаган танловларига раҳбарлик қилади”<sup>24</sup>.

<sup>21</sup> Пономарев, А.Б. Методология научных исследований: учеб. пособие / А.Б. Пономарев, Э.А. Пикулева. – Пермь: Изд-во Перм. нац. исслед. политехн. ун-та, 2014. – 186 с.

<sup>22</sup> М.Қ.Пардаевнинг фикрича: “Методика – аналитик тадқиқотни янада мақсадга мувофиқ бажарилишининг усуллари ва қоидалари мажмуидир”

<sup>23</sup> Акрамов Ф.А. Умумметодологик қарашлар: бухгалтерия ҳисоби методологияси. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. № 9. 2017 й. 30-35 б.

<sup>24</sup> Kara, Helen (2015). Creative research methods in the social sciences: a practical guide. Gergen, Kenneth J., Gergen, Mary M. Bristol: Policy Press. p. 4. ISBN 978-1-4473-1627-5. OCLC 908273802.

К.Берий фикрича: “У билим соҳаси билан боғлиқ бўлган услублар ва тамойиллар мажмуасининг назарий таҳлилини ўз ичига олади, шундай қилиб турли фанлардан қўлланиладиган методологиялар уларнинг тарихий ривожланишига қараб ўзгариб туради”<sup>25</sup>.

Н.Катрин эса “бу билим ва ҳақиқат қандай энг яхши тушунилишини рақобатлашадиган тушунчалар бўйича узлуксиз методологияни яратади. Бу кенг қамровли фалсафа ва ёндашувлар доирасида методологияларни жойлаштиради”<sup>26</sup>.

“Методология узок вақт давомида сўзма-сўз маънода фақат фаолият услублари (метод ва «логотиплар» - ўқитиш) ҳақида таълим сифатида қабул қилинган. Методологияни бундай тушуниш унинг мавзусини методларни таҳлил қилиш билан чекланади”<sup>27</sup>.

“Методология – бу мантиқий ташкилотнинг тузилиши, фаолиятнинг усуллари ва воситалари (таълим асослари, тадқиқот фаолияти шакллари ва усуллари тўғрисида ўқитиш). Илмий методология илмий тадқиқот таркибий қисмларини - унинг объекти, таҳлил предмети, тадқиқот вазифаси (ёки муаммоси), ушбу турдаги масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган тадқиқот воситалари тўпламини тавсифлайди, шунингдек, муаммони ҳал қилиш жараёнида тадқиқот ҳаракатининг кетма-кетлик ҳақидаги ғоясини шакллантиради. Методикада энг муҳими бу муаммони шакллантириш, тадқиқот мавзусини қуриш, илмий назарияни қуриш, шунингдек олинган натижани унинг ҳақиқати нуқтаи назаридан текшириш”<sup>28</sup>.

А.Н.Азрилиян “Методология (грекча сўздан олинган, *methodos*-тадқиқот йўли, назария, *logos*-таълимот) таркиб, логик ташкилот, методлар ва воситалар фаолияти тўғрисидаги таълимот. Фан методологияси – тамойилларни тузиш, илмий билишнинг шакл ва усуллари тўғрисидаги таълимот”<sup>29</sup>.

<sup>25</sup> Cooper, Barry. Challenging the qualitative-quantitative divide: explorations in case-focused causal analysis. A&C Black. ISBN 978-1-4411-0063-4. OCLC 793207861

<sup>26</sup> Niglas, Katrin (2010), "The Multidimensional Model of Research Methodology: An Integrated Set of Continua", SAGE Handbook of Mixed Methods in Social & Behavioral Research, SAGE Publications, Inc., pp. 215–236, doi:10.4135/9781506335193.n9, ISBN 978-1-4129-7266-6, retrieved 2020-10-28

<sup>27</sup> Декарт Р. Рассуждение о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскать истину в науках. Метафизические размышления. Начала философии. – М.: Вежа, 1998.

<sup>28</sup> Пономарев, А.Б. Методология научных исследований: учеб. пособие / А.Б. Пономарев, Э.А. Пикулева. – Пермь: Изд-во Перм. нац. исслед. политехн. ун-та, 2014. – 186 с.

<sup>29</sup> Азрилиян А.Н. (2004) Экономический и юридический словарь. М.: Институт новой экономики. 1088 стр.

Ф.А.Акрамов “Методология – бу объектни илмий билишда қўлланиладиган тамойиллар, усуллар, воситалар ва методлар тизими тўғрисидаги таълимотдир”<sup>30</sup>. деб эътироф этган.

### 3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, бевосита солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар ва солиққа тортиш методологиясини иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар ва солиққа тортишнинг назарий масалалар умумлаштирилди. Тадқиқот жараёнида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### 4. Таҳлил ва натижалар.

Биз юқоридаги таърифларни асос қилиб оламиз ва уларни вақтинча ишлатамиз. Хусусан, ушбу таърифлар нуктаи назаридан биз адабиётда шаклланган ёндашувларни таҳлил қиламиз. Умуман олганда методология - бу бирон бир соҳада ёки йуналишда фойдаланиладиган билиш воситалари ва усулларининг мажмуиси ҳамда унинг таълимоти ижодий билиш ва амалий-ўзгартириш фаолиятини ташкил этиш воситалари, шарт-шароитлари ва принципларини ўрганувчи эмпирик илмий тадқиқотларни англаш ҳисобланади.

Методика, метод ва методология тушунчаларининг мантикий тузилмаси ва ўзаро нисбати таърифини 2-рамда келтирганмиз.



<sup>30</sup> Акрамов Ф.А. Умумметодологик қарашлар: бухгалтерия ҳисоби методологияси. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. № 9. 2017 й. 30-35 б.

## **2-расм. Методика, метод ва методология тушунчаларининг мантиқий тузилмаси ва ўзаро нисбати<sup>31</sup>**

Бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда, маблағлар, манбалар ва хўжалик жараёнлари ҳамда фаолият натижалари тушунилса, унинг методи предметни қандай усуллар ва амаллар ёрдамида ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Демак, бухгалтерия ҳисобининг методи деб мазкур фан предметини ўрганиш учун қўлланиладиган усул (элемент)ларнинг илмий асосланган тизимига айтилади. Бухгалтерия ҳисобининг методи фақат унинг ўзига хос усуллардан иборат бўлиб, улар фан предметининг моҳияти ва унинг олдига қўйилган вазифалар ҳамда талаблардан келиб чиқади.

Усул (метод юнонча «metodos») тушунчаси икки маънони билдиради: айрим воқеаларни билиш, ўрганиш усули ва алоҳида усул, ҳаракат усули ёки кўриниши.

Биринчи тушунча кенгрок маънога эга бўлиб, ҳар бир фан каби бухгалтерия ҳисоби ўз усули билан таърифланади. Ҳисоб юритиш тартибини белгилаб берувчи таркибий қисм сифатида бухгалтерия ҳисобига хос бўлган қуйидаги усуллар маълум; ҳужжатлаштириш; инвентаризация; баҳолаш; калькуляция; бухгалтерия ҳисоби счётлари; иккиёқлама ёзув; бухгалтерия баланси; ҳисобот. Ушбу тушунчалар усул элементлари ҳам ҳисобланади.

3-расмда бухгалтерия ҳисобини ташкил этувчи усуллари келтирилган.

<sup>31</sup> Расм муаллиф томонидан тайёрланган.



### 3- расм Бухгалтерия ҳисоби методини ташкил этувчи асосий усуллар<sup>32</sup>

Иккинчи маънода - алоҳида фойдаланиладиган усуллар маъносида - қўлланиладиган усуллар йиғиндиси ҳисобнинг услубиятини ташкил этади.

Методология бухгалтерия ҳисоби олдида турган мақсад ва вазифалар ҳам уларни ечиш имкониятлари, яъни мавжуд техник ва технологик база билан белгиланади. Усулнинг мазмуни - мазкур фаннинг предмети, вазифалари ва унинг олдида қўйиладиган талаблар хусусиятларига боғлиқ бўлади. Улар бухгалтерия ҳисоби усулининг таркибига кирадиган аниқ усулларни белгилаб беради.

Энг аввал шунга эътибор қаратишимиз лозимки, бухгалтерия ҳисобида содир бўладиган барча хўжалик жараёнлари, унинг ихтиёридаги барча маблағларни акс эттирувчи ахборотларни шаклантиради. Ҳар хил жараёнларда содир бўладиган операциялар сони ҳамда корхона ихтиёрида жойлашган маблағлар тури ва манбалари жуда кўпдир. Ҳар бир хўжалик операцияси маблағлар ҳамда манбалар тури устидан зарурий бошқарув ахборотини умумлаштириш, шаклантириш, ҳужжатлаштириш ёрдамида

<sup>32</sup> Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

кузатиб борилади. Хужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг объектлари устидан ёшасига ва узлуксиз кузатишни амалга ошириш имконини берадиган дастлабки акс эттириш усулидир. Бунинг учун ҳар бир алоҳида операция учун ёки уларнинг бир турдаги гуруҳи учун дастлабки ҳисоб ахборотини муайян моддий ташувчиси тузилади. Унда амалга оширилган операциянинг мазмуни қайд этилади. Хужжатлаштириш ёрдамида содир бўлаётган хўжалик операциялари ҳисобот мукамал маълумотлар олинади. Бу маълумотлар уларни кейинчалик иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳукукий талабларга риоя қилинган ҳолда хужжатлардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига исботловчи куч қаратилади.

Бироқ хўжалик жараёнида бўлиб ўтаётган барча ҳодисаларни ҳам хужжатлаштириш ёрдамида қайд қилиб бўлавермайди. Жумладан, табиий йўқолиш, маблағларни қабул қилиш ва топшириш пайтидаги ноаниқликлар, ҳисобдаги хатолар ва қолаверса, ўғирликлар тегишли кийматликларнинг ҳақиқий миқдорини дастлабки ахборотни ташувчилар ҳамда ҳисобда акс эттирилганларидан четга оғишишига олиб келади. Бундай ҳодисаларни расмийлаштириш, улар содир бўлаётганда эмас, балки маълум бўлгандагина аниқ бўлади. Дастлабки ахборот ташувчилар томонидан қайд қилинмай қолган ҳодисалар, хужжатлаштиришга зарурий қўшимчалар, яъни қайта рўйхатга олиш ёрдамида аниқланади. Унинг маълумотлари юқорида келтирилган у ёки бошқа сабабларга кўра ўз вақтида ҳисобга олинмай қолган ҳисоб кўрсаткичларини ҳақиқатдагига мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, хужжатлаштириш ва рўйхатга олиш бухгалтерия ҳисобининг объектларини дастлабки кузатишни амалга ошириш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш - мулкнинг бут сақланиши устидан назорат қилиш имконини беради. Хужжатлаштириш ва рўйхатга олишнинг маълумотлари моддий-жавобгар шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари, амалга оширилаётган муомалаларнинг қонунийлиги, маблағларнинг тўғри сақланиши, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва шу қабилар устидан кузатиш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, хўжалик операциялари ва маблағлар жуда турли-тумандир. Лекин бухгалтерия ҳисоби улар ҳисобот йиғма кўрсаткичларни бериши керак. Бу, йиғиладиган маълумотлар пул ўлчовларида ифодаланади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобида баҳолаш

усули қўлланилади. Баҳолаш ёрдамида натура ва меҳнат кўрсаткичларини пул кўрсаткичларига айлантирилади.

Хўжалик жараёнини бошқариш учун уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча чиқимларни ҳисоблаб чиқиш, ҳар бир жараёнда ишлатилган ҳам жонли ҳам моддийлаштирилган меҳнатни ҳисоблаб чиқиш керак. Бунда ҳар бир чиқим турининг миқдоринигина эмас, балки аниқ бўлган, уларнинг объектига тегишли бўлган умумий суммасини топиш, яъни ҳисобга олинаётган маҳсулотларнинг таннархини аниқлаб топиш лозим бўлади. Маҳсулот таннархи - ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори устидан назорат қилиш учун қўлланиладиган калькуляция ёрдамида ҳисоблаб топилади. У объектларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, калькуляция бухгалтерия ҳисоби объектларини қийматли ўлчаш учун хизмат қилади. Уларнинг қўлланилиши тижорат ҳисоб-китобини мустаҳкамлаш учун катта аҳамият касб этади. Маълумки, тижорат ҳисоб-китобига риоя қилиш корхона харажатлари билан унинг фаолият натижалари ўртасидаги мувофиқликни талаб қилади. Харажатлар билан натижаларни солиштириш ҳақиқий таннарх калькуляцияси маълумотларига асосланадиган пулдаги ифодалаш йўли билан эришилади.

Бухгалтерия ҳисобининг объектлари таркибидаги ва функцияларидаги фарқланишлар уларнинг устидан алоҳида гуруҳлар бўйича, масалан, меҳнат воситалари, буюмлари, пул маблағлари ва ҳоказоларни кузатиш зарурлигини тақозо этади. Ундан ташқари, ушбу гуруҳларнинг ичида маблағларнинг алоҳида турлари ва уларнинг жойлашган жойлари бўйича ташкил қилиш керак бўлади. Демак, ҳисоб билан алоҳида ажратилган ҳар бир меҳнат воситасининг тури - бинолар, машиналар, ускуналар; меҳнат буюмлари - асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулот ва бошқалар; пул маблағлари уларнинг жойлашган жойлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счётлар, корхонанинг кассасида қамраб олинган бўлиши керак. Шу билан бирга бундай гуруҳлаш кўпинча етарли деб ҳисобланмайди. Масалан, меҳнат буюмларининг ҳар хил турлари, айтайлик, асосий материаллар устидан кузатиш уларнинг ҳар бир тури, нави, катта-кичиклиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар олишни талаб қилади. Шунга ўхшаш гуруҳлаш бухгалтерия ҳисобида маблағлар манбалари ва хўжалик жараёнлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Хўжалик маблағлари ва хўжалик операцияларини акс эттиришда, уларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни олишда, бухгалтерия

ҳисоби объектларини иқтисодий жиҳатдан гуруҳлашда счётлардан фойдаланилади.

Ахборотни дастлабки ташувчилардаги маълумотлар ҳисоб объектларига фақат тарқоқ бўлган тавсифни беради. Шу сабабли счётларга эҳтиёж туғилади. Бу маълумотларни умумлаштирган ҳолда гуруҳлаш ва суммалаштириш лозим бўлади. Бундай функцияни бухгалтерия ҳисобида счётлар бажаради.

Хўжалик операцияларини бухгалтерия счётларида акс эттириш иккиёқлама ёзув воситасида амалга оширилади. Иккиёқлама ёзувнинг моҳияти ҳар бир хўжалик операцияси натижасида юзага келадиган икки ҳодисани ўзаро боғланган ҳолда акс эттиришдан иборат. Масалан, материалларни харид қилиш операциясини қайд этатуриб, сотиб олинган қийматликларнинг келиши ва мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағларининг сарфланиши кўрсаткичлари ўзаро боғланади ёки маҳсулот тайёрлашга материаллар сарфлаши акс эттира туриб, ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқариш чиқимларининг ошиши ва корхона омборидаги материалларнинг камайиши кўрсатилади. Операцияларни бундай усул билан ёзиш уларнинг иқтисодий мазмунини очиқ беради ва хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, счётлар ва иккиёқлама ёзув бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотларни жорий гуруҳлаш мақсадида қўлланилади. Улар ёрдамида корхонани оператив бошқариш, моддий жавобгар шахслар мулкларини бут сақланиши устидан назорат амалга оширилади. Улар хўжалик фаолиятининг йиғма кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни аста-секин жамғариш ва тартибга солиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби, аниқ объектларнинг кенг бўлган таркиби корхона хўжалик маблағларини доимий кўздан кечириш зарурлигини тақозо этади. Бунинг учун хўжалик маблағларини икки, яъни уларнинг турлари ва жойлашиши ҳамда ташкил топиш манбалари қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб, кўрсатадиган бухгалтерия баланси хизмат қилади. Хўжалик маблағларини акс эттиришнинг бундай тартиби уларнинг барча йиғиндисини ўзаро боғланган ҳолда кўриш имконини беради ва корхонанинг улар билан таъминланганлигини таҳлил қилишни енгиллаштиради.

Хўжалик жараёнларини вақти-вақти билан кўздан кечириш бухгалтерия ҳисобида уларни тавсифловчи кўрсаткичлар устидан кузатиш йўли билан

амалга оширилади. Бундай кўрсаткичлар хўжалик фаолиятининг барча асосий участкалари бўйича белгиланади. Бу - ишлаб чиқариш ва сотиш хажми, фойда ва рентабеллик, таннарх ва бошқалардир. Буларнинг ҳаммаси ҳисоб маълумотлари асосида бюджет бажаршшшининг йиғма тизимини ифодаловчи ҳисоботда акс эттирилади. Ҳисобот ҳисоб-китобларнинг илмий асосланган тизими ёрдамида тузилади. У ҳисоблаб чиқариладиган кўрсаткичларнинг тўғрилигини ва уларнинг ўтган даврдаги худди шундай кўрсаткичлари билан ҳамда корxonанинг молиявий аҳолини баҳолаш мақсадида бошқа корxonаларнинг худди шундай кўрсаткичлари билан солиштириш мумкинлигини таъминлайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, баланс ва ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотларини яқунловчи умумлаштириш усули ҳисобланади, десак бўлади. Бу усуллардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифалари ҳисобланган корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини бошқариш, корxonанинг молиявий аҳолини баҳолаш каби муҳим бўлган вазифаларни ечишни таъминлайди. Корхонада оператив бошқариш ҳужжатлар ва счётлар маълумотлари бўйича ҳар куни амалга оширилади, лекин у узокроқ бўлган муддатдаги корxonалар ишини чуқур таҳлил қилиш имконини бермайди. Хўжалик фаолияти натижаларини узок бўлган вақтлар учун ҳар томонлама ва мукамал таҳлил қилишни фақат баланс ва ҳисобот ёрдамидагина амалга ошириш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг амалиётида барча усуллар ажралган ҳолда эмас, балки ягона бутунликнинг бир қисми сифатида қуйидаги кетма-кетликда қўлланилади. Ҳужжатлаштиришдан - хўжалик операциялари ҳисобот дастлабки маълумотларни олиш учун фойдаланилади. Маълумотларни ҳужжатлаштириш асосида хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида навбатдаги акс эттириш амалга оширилади. Ҳужжатлардан маълумотлар, албатта, умумлаштирилган пул ўлчовида ифодаланади. Бунинг учун натура ва меҳнат кўрсаткичларидан пул кўрсаткичларига ўтказиш имконини берадиган баҳолаш хизмат қилади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

1. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жисмоний шахсларга молиявий ёрдам ва кредит (заём) сифатида берилган пул маблағларидан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўлов манбаида ушлаб қолишни қонунчиликга киритиш ҳамда молиявий ёрдам ва кредит (заём) тўлиқ ёки қисман қайтарилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинadиган

даромад солиғи базаси қайтарилган суммага мос равишда камайтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

2. Юридик шахсларнинг тақдим этилган ҳисоботлари ёки ваколатли орган маълумотлари асосида ҳисобланган ва солиқ текширувлари асосида юзага келган (форс-мажор, давлат буюртмаси ва эҳтиёжларини бажариш билан боғлиқ ҳолатлардан ташқари) солиқ қарзи уч ой давомида тўланмаган тақдирда, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида баҳолаш керак.

3. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчи бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни солиқ ва статистика органларига ҳар чоракда тақдим этиш талаби бекор қилиш ҳамда айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари йиллик молиявий ҳисоботларни солиқ органларига топшириш мажбуриятидан озод этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

4. Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган айланмадан олинадиган солиқ суммаси айнан ушбу ҳудудда шундай фаолият билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқдан кам бўлмаслиги тартиби белгиланган керак. Шу билан бирга агарда солиқ даври мобайнида яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқдан кам бўлган тақдирда, айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммада тўловчи солиқ тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкаси миқдорида ундирилган ҳисобга олиш керак.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элгувчи китоб. –Тошкент: «TURON-IQVOL» нашриёти, 2006 й. – Б.110.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.614.
3. Пономарев, А.Б. Методология научных исследований: учеб. пособие / А.Б. Пономарев, Э.А. Пикулева. – Пермь: Изд-во Перм. нац. исслед. политехн. ун-та, 2014. – 186 с.
4. М.Қ.Пардаев, Н.Ф.Ишонқулов, А.Т.Иброхимов, К.М.Мисиров, У.А.Нурмоновлар. Иқтисодий таҳлил назарияси, Сано-стандарт, Т.: 2014. 81 б. 336 бет

5. Акрамов Ф.А. Умумметодологик қарашлар: бухгалтерия ҳисоби методологияси. “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. № 9. 2017 й. 30-35 б.
6. Kara, Helen (2015). Creative research methods in the social sciences: a practical guide. Gergen, Kenneth J., Gergen, Mary M. Bristol: Policy Press. p. 4. ISBN 978-1-4473-1627-5. OCLC 908273802.
7. Cooper, Barry. Challenging the qualitative-quantitative divide: explorations in case-focused causal analysis. A&C Black. ISBN 978-1-4411-0063-4. OCLC 793207861
8. Niglas, Katrin (2010), "The Multidimensional Model of Research Methodology: An Integrated Set of Continua", SAGE Handbook of Mixed Methods in Social & Behavioral Research, SAGE Publications, Inc., pp. 215–236, doi:10.4135/9781506335193.n9, ISBN 978-1-4129-7266-6, retrieved 2020-10-28
9. Декарт Р. Рассуждение о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскать истину в науках. Метафизические размышления. Начала философии. – М.: Вежа, 1998.
10. Азрилиян А.Н. (2004) Экономический и юридический словарь. М.: Институт новой экономики. 1088 стр.
11. Yangiboev Kh. (2021). Features of forming a direct taxation system at the modern stage. Journal of Hunan University (Natural Sciences) . Vol. 48. No. 11. (2021), pp. 1127-1135. <https://johuns.net/index.php/abstract/193.html>
12. X.Yangiboev. (2021). Ways To Collect Personal Income Tax And Reduce Tax Arrears. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 9, August (2021) pp. 3770-3776 <https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/6382>
13. Yangiboev Kh. and others. (2021). The Role of Foreign Investment in Free Economic Zones and Their Necessity for the Country's Development. Design Engineering. ISSN: 0011-9342 | Year 2021 Issue: 8 | Pages: 10037-10049.